



# Priority directions of the prosecutor's control over compliance with laws in the execution of documents of the court and other authorities

**Kamol MARDONOV<sup>1</sup>**

Tashkent State University of Law

## ARTICLE INFO

### *Article history:*

Received December 2022

Received in revised form

15 December 2022

Accepted 20 January 2023

Available online

15 February 2023

### *Keywords:*

Prosecutor's supervision over the observance of laws in the execution of court documents and documents of other bodies, priorities of the prosecutor's supervision over the observance of laws in the execution of court documents and documents of other bodies, Bureau of Compulsory Enforcement under the General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan, Executive proceedings, execution of court decisions.

## ABSTRACT

In this article, the most important priority directions in the field of enforcement, increasing the effectiveness of the execution of court documents and documents of other bodies in order to strengthen the authority and effectiveness of the judiciary, optimizing the structure and powers of the Bureau of Compulsory Enforcement under the General Prosecutor's Office, and fundamentally revising its working methods were analyzed. The legal basis of the prosecutor's control over the observance of the laws in the execution of legal documents and documents of other bodies, the main tasks and directions of the prosecutor's control in this field were also considered, and certain shortcomings and problems were analyzed.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss1/S-pp15-21>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

<sup>1</sup> Senior lecturer, Department Judicial, law enforcement agencies and advocacy, Tashkent State University of Law.  
E-mail: k.mardonov@tsul.uz

## Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда қонунларга риоя қилиниши устидан прокурор назоратининг устувор йўналишлари

### АННОТАЦИЯ

**Калит сўзлар:**

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда қонунларга риоя қилиниши устидан прокурор назорати, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда қонунларга риоя қилиниши устидан прокурор назоратининг устувор йўналишлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси, Ижро иши юритиш, суд қарорлари ижроси.

Ушбу мақолада ижро ишини юритиш соҳасининг энг муҳим устувор йўналишлари, суд ҳокимиятининг нуфузи ва таъсирчанлигини кучайтириш мақсадида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросининг самарадорлигини янада ошириш, Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси тузилмаси ҳамда ваколатларини мақбуллаштириш, унинг иш услубини тубдан қайта кўриб чиқиш масалалари таҳлил қилинди. Шунингдек, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда қонунларга риоя қилиниши устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари, мазкур соҳада прокурор назоратининг асосий вазифалари ва йўналишлари кўриб чиқилди, ундаги муайян камчилик ва муаммолар таҳлил этилди.

## Надзор за исполнением закона об исполнении судебных актов и актов иных органов как приоритетное направление прокурорского надзора

### АННОТАЦИЯ

**Ключевые слова:**

Прокурорский надзор за соблюдением законности при исполнении судебных актов и документов иных органов, приоритеты прокурорского надзора за соблюдением законности при исполнении судебных актов и документов иных органов, Бюро принудительного исполнения при Генеральной прокуратуре Республики Узбекистан, Исполнительное производство, исполнение судебных решений.

В данной статье рассмотрены наиболее важные приоритетные направления в сфере исполнительного производства, повышения эффективности исполнения судебных документов и документов иных органов в целях укрепления авторитета и эффективности судебной власти, оптимизации структуры и полномочий Бюро принудительного исполнения при Генеральной прокуратуре, и коренным образом пересмотрели методы ее работы. Также были рассмотрены правовые основы прокурорского контроля за соблюдением законов при исполнении судебных актов и документов иных органов, основные задачи и направления прокурорского контроля в этой сфере, проанализированы отдельные недостатки и проблемы.

Барчамизга маълумки, ислоҳотлар муваффақиятли тарзда амалга оширилиши ва янги қонунлар хоҳлаганимиздек, натижаларга олиб келиши учун босиб ўтилган йўлни тўла аниқлаш ва идрок этиш, ўз тарихимизни англаб

етишимиз лозим. Ўтмиш бугунги кун ва келажак – бир-бири билан чамбарчас боғланган муштарак илдишлар бўлиб, биз тарихга қанчалик кўп мурожаат қилсак, бугун ва эртага нималар қилишимиз кераклигини янада кўпроқ тушуна борамиз.

Маълумки, мамлакатимизда давлат органларининг аҳоли билан мулоқотини такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, уларнинг муаммоларини ҳал этишнинг замонавий механизмларини жорий этиш борасида изчил ишлар амалга ошириляпти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида бугунги кунда ислохотларимиз самараси кўп жиҳатдан тўртта муҳим омилга – яъни, қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши қатъий курашиш, институционал салоҳиятни юксалтириш ва кучли демократик институтларни шакллантиришга боғлиқ эканлигини яна бир айтиб ўтди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимиз ҳаётида амалга оширилаётган ислохотлардан энг йирик ва диққатга сазоворлиси – бу суд-ҳуқуқ ислохотларидир. Ушбу соҳанинг марказий йўналиши, жамият ва давлат ҳаётининг барча тармоқлари, яъни иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий жабҳаларида қонун устуворлиги муҳим конституциявий-ҳуқуқий тамойил бўлиб, уни таъминлашда барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар баҳамжиҳат иштирок этишлари керак. Бунда, айниқса, мавжуд қонунларни ҳаётга сўзсиз татбиқ этиш ва қўллаш алоҳида аҳамият касб этади.

Шу мақсадда мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари доирасида суд қарорларини мажбурий ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ижро тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини сўзсиз ва ўз вақтида ижро этишни таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш ҳамда ижро иши юритувида сансалорликка чек қўйиш мазкур соҳани такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишлари ҳисобланади.

Айни пайтда, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, суд ҳокимиятининг нуфузи ва таъсирчанлигини кучайтириш мақсадида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросининг самарадорлигини янада ошириш тақозо этилмоқда.

Бу борада, Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси тузилмаси ҳамда ваколатларини мақбуллаштириш, унинг иш услубини тубдан қайта кўриб чиқиш, манфаатдор вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш зарурияти юзага келди.

Фуқаролар ва тадбиркорлар ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ўз вақтида ва сифатли ижро этишнинг самарали механизмларини жорий этиш, суд ҳужжатлари ижросининг қонуний муддатларда тўлиқ таъминланиши судларнинг нуфузини ошириш баробарида фуқароларнинг судларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, уларнинг манфаатларини кафолатли ҳимоялашга хизмат қилади.

Шу боис ҳам айни мавзуда сифат ва муддат масаласи ҳамиша долзарбдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида суд ҳужжатлари ижро этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида мавжуд қарздорликларни қисқартириш

бўйича мамлакат даражасида алоҳида, вилоят ва туманлар миқёсида алоҳида тизимда иш олиб борилиши, оғир аҳволга тушиб қолган қарздорларнинг манзилли рўйхатлари тузилиши, уларга кўмаклашилиши, ундирувчи илтимосига кўра ижро иши юритишни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколати судлардан давлат ижрочисига ўтказилиши, Савдо-саноат палатаси ва Бизнес-омбудсманга давлат даромадига ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича тадбиркорлик субъектларининг қарзлари юзасидан ижрони кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш тўғрисида мурожаат этиш ҳуқуқи берилиши, қарздорлар тўғрисида ягона электрон платформа яратилиши, уларни нотариус, банк, солиқ, давлат хизматлари, божхона, кадастр, ички ишлар ва бошқа идоралар базасига интеграция қилиш зарурлиги\* ва бошқа масалалар бўйича қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши лозимлиги юзасидан устувор йўналишлар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг 18-мақсадида суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишнинг самарали механизмларини жорий этиш, суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишнинг муқобил, шу жумладан, суддан ташқари усулларида фойдаланиш кўламини кенгайтириш, мажбурий ижро органлари фаолиятига халқаро стандартларни босқичма-босқич жорий этиш ва айрим функцияларни (суд ҳужжатларидан ташқари) хусусий секторга ўтказиш, давлат ижрочилари иш юкламасини камайтириш ва бошқалар мазкур соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланди.

Барчамизга маълумки, қонунчилик ижросини таъминлашда прокуратура органларининг ўрни катта ҳисобланади.

Юртбошимиз прокуратура органларининг давлат бошқарувидаги ўрни ҳақида тўхталар экан, “Қонунчилик базасини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва қонунларни сўзсиз ижро этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, демократик ҳуқуқий давлатни ривожлантириш, хусусий мулк ва тадбиркорлик тараққиётини қўллаб-қувватлаш ҳамда унинг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашда прокуратура органларининг роли катта эканлигига” алоҳида этибор қаратиб ўтган.

Мулкчилик, тадбиркорлик фаолияти ва шартномавий муносабатларни эркинлашуви муносабати билан ижро ҳужжатлари бўйича юридик шахслардан қарзларни ундириш амалиёти бирмунча мураккаблашди. Назорат қилинмайдиган фойда олиш имконияти вужудга келганлиги сабабли, жисмоний шахслардан қарзларни ундириш муаммоси авж олиб борган. Шу каби муаммоларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги ПФ-3406-сон Фармони билан “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг тузилмаси” тасдиқланиб, Бош прокуратуранинг “Суд қарорларини ижро этишда ва қамоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назорат бошқармаси” ва унинг жойлардаги ҳудудий бўлимлари ташкил этилиб, уларнинг асосий фаолияти йўналишлари белгиланган.

---

\* Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида “Суд ҳужжатлари ижро этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари” юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилиши. 2021 йил 16 февраль.

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назорати самарадорлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2015 йил 28 декабрдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда ҳамда қамоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назорат самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 128-сонли буйруғи (кейинчалик мазкур буйруққа тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган) қабул қилиниб, соҳада прокурор назоратининг асосий йўналишлари кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2015 йил 28 декабрдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда ҳамда қамоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назорат самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 128-сонли буйруғида прокуратура органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни ҳамда соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир ҳилда ижро этилиши устидан назоратни таъминлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилиши кўрсатиб ўтилган:

– суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг белгиланган тартиб ва умумий шартларга амал қилган ҳолда ижро этилганлигига;

– мажбурий ижро этиш асослари ва чораларининг қонунга мувофиқлигига;

– ундирувчи қарздорнинг мол-мулки ёки иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларига қаратишнинг асослилигига;

– қарздорнинг мол-мулкани хатлаш ва реализация қилиш чораларининг кўрилганлигига;

– қарздорнинг мол-мулки белгиланган тартибда, ошкора ва бозор қийматида ҳаққоний баҳоланиб, реализация қилинганлигига;

– мулкий хусусиятга эга бўлмаган низолар бўйича ижро ҳужжатларининг ижро этиш шартларига амал қилинганлигига;

– ундирилган пул суммаларини тақсимлаш ва ундирувчи талабларини қаноатлантиришнинг қатъий навбатига риоя этилганлигига.

Ижро иши юритиш соҳасининг прокурор назорати билан ўзаро боғлиқ жиҳатларидан бири шуки, бунда энг аввало ижро иши юритиш процессида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этилиши устидан атрофлича назорат ўрнатилади.

Ижро иши юритиш соҳасида давлат ижрочилари томонидан қонунларга риоя этилиши, ҳар бир ижро ҳаракатининг ўз вақтида ва қонунга асосан амалга оширилиши, бу борада фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали равишда ҳимоя қилиниши устидан назорат олиб бориш прокуратура органларининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижро этилишида қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назорати йўналишларининг аниқ чегарасини белгилаб қўйиш мумкин эмас. Чунки ҳар қайси соҳада ҳам мунтазам равишда қонунчиликка риоя этилиш аҳволи ўрганилмас экан, қонун бузилишига шарт-шароитлар юзага келади. Юқорида келтирилган ижро иши юритиш соҳасидаги прокурор назоратнинг йўналишлари ҳозирги пайтда амалиётда энг муҳим эътибор қаратилиши зарур бўлган йўналишлар ҳисобланади. Шу сабабдан ижро иши юритиш соҳасидаги прокурор назорати йўналишларини янада кенгроқ миқёсда ўрганишимиз ҳам мумкин.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида **“Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланиши лозимлигини, сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ тизимида адолат ўрнатиш бўйича кўп иш қилинганлигини, шу билан бирга, одил судловни таъминлаш бўйича ҳали муаммолар етарли эканлигини, суд қарорлари ижро этилмай қолаётгани билан боғлиқ ҳолатлар учраётганлиги”**ни алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Ҳақиқатан ҳам, Мурожаатномада давлат раҳбари томонидан таъкидлаб ўтилган суд қарорлари ижро этилмай қолаётганлиги муаммоси мазкур соҳада прокурор назорати етарли даражада йўлга қўйилмаганлигини ҳам кўрсатиб беради.

**Бу эса, ўз навбатида:**

**Биринчидан**, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш соҳасида прокурор назоратининг самарали (таъсирчан) механизмаларини жорий қилишни;

**Иккинчидан**, мажбурий ижро этиш тизимини институционал ва функционал жиҳатдан ислоҳ этишни;

**Учинчидан**, мажбурий ижро органларининг тузилмаси ҳамда ваколатларини мақбуллаштиришни;

**Тўртинчидан**, мажбурий ижро органларининг иш услубларини тубдан қайта кўриб чиқишни;

**Бешинчидан**, мажбурий ижро органларини манфаатдор вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришни;

**Олтинчидан**, мажбурий ижро органлари фаолиятига халқаро стандартларни босқичма-босқич жорий этиш ва айрим функцияларни (суд ҳужжатларидан ташқари) хусусий секторга ўтказиш орқали давлат ижрочиларини иш юкласини камайтириш заруратини тақозо этмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросининг самарадорлигини янада ошириш орқалигина фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга, суд ҳокимиятининг нуфузи ва таъсирчанлигини оширишга эришиш мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси // “Халқ сўзи” газетаси. 2022 йил 21 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни. 257-II-сон 29.08.2001 // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни. 258-II-сон 29.08.2001 // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.06.2022 й., 03/22/775/0477-сон.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори. 30.05.2017 йилдаги ПҚ-3016-сон. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.11.2020 й., 06/20/6118/1562-сон.

5. Матмуротов А., Кенжабоева Д. Институт доследственной проверки в уголовно-процессуальном законодательстве: Анализ и вопросы усовершенствования // Review of law sciences. – 2018. – №. 2. – С. 122–126.

6. Матмуротов А., Кенжабоев Д. The motive and purpose of the crime in classifying the offence // Юридик фанлар аҳборотномаси. – 2018. – №. 2. – С. 122–126.